



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

---

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

---

## LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**1. ФАЙЗИЕВ Олим**

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ  
ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ  
МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА ..... 7

**2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович**

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ИШТИРОКИ..... 13

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
КАФОЛАТЛАРИ ..... 18

**4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич**

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ  
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 29

**5. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 38

**6. НОДИРОВ Давурхон Икромович**

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН  
УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....44

**7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич**

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ..... 50

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.  
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**8. ОКЮЛОВ Омонбой**

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФЛИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК  
ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ ..... 55

**9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович**

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ ..... 65

**9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна**

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ  
ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 71

**10. ҒАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон**

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР ..... 76

**11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович**

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

**12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА  
ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 89

**13. KHUSAINOVA Rano**

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ..... 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

- 14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи**  
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ.... 103
- 15. ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**  
МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ:  
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ..... 109

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ**

- 16. РАХИМОВ Мирёқуб Актамович**  
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ..... 117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ  
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 17. КАРИМОВ Ваҳобжон**  
“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ  
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ..... 123
- 18. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**  
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ ..... 130
- 19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич**  
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 135

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

- 20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**  
РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ..... 139
- 21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна**  
ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ  
И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ..... 144
- 22. ИСОҚОВ Лукмонжон Холбоевич**  
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ ..... 153
- 23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**  
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР  
СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ..... 161

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

- 24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович**  
“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ  
САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 167
- 25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли**  
АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 174

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш маркази бўлим бошлиғи

## СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ХАСАНОВ Ш.Х. СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 130–134.

 4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-19>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада суд эксперти фаолиятининг психологик жиҳатлари ўрганилган, жумладан, суд эксперти иш фаолиятининг психологик жиҳатларининг омиллари ва ўрганиш предмети, бу фаолиятнинг психологик жиҳатларини ўрганиш йўналишлари — спектрал ва субъектга оид йўналишлар, суд эксперти иш фаолиятидаги асосий – билиш (когнитив) ва коммуникатив фаолиятларининг ўзига хос хусусиятлари, суд экспертнинг билиш фаолияти психологиясининг бир неча тузилишлар (босқичли, даражали ва эвристик) орқали тушунтириш масалалари, билиш (когнитив) ва коммуникатив соҳалардаги эвристик вазифаларни ҳал қилиш бўйича билим ва кўникмаларнинг суд экспертнинг келгусида касбий юксалишига ижобий таъсирлари ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** суд эксперти фаолиятининг психологик жиҳатлари, суд эксперти иш фаолиятининг психологик жиҳатларини ўрганиш йўналишлари — спектрал ва субъектга оид йўналишлар, билиш ва коммуникатив фаолиятлар, босқичли, даражали ва эвристик позициялар, билиш ва коммуникатив соҳалардаги эвристик вазифалар.

**ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**  
Начальник отдела Центра повышения квалификации юристов при  
Министерстве Юстиции Республики Узбекистан

## ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СУДЕБНО-ЭКСПЕРТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются психологические аспекты судебной экспертной деятельности, в том числе факторы и предмет изучения психологических аспектов судебной экспертизы, изучение психологических аспектов этой деятельности – спектральной и субъективной областей, основные особенности познавательной и коммуникативной деятельности судебной экспертизы, вопросы объяснения психологии познавательной деятельности судебного эксперта через структуры (иерархической, поэтапной и эвристической), положительное влияние знаний и умений при решении эвристических задач в когнитивной и коммуникативной сферах на будущее профессиональное развитие судебного эксперта.

**Ключевые слова:** психологические аспекты судебной экспертизы, направления изучения психологических аспектов судебной экспертизы - спектральные и субъективные области, познавательная и коммуникативная деятельность, иерархическая, поэтапная и эвристическая позиция, эвристические задачи в когнитивной и коммуникативной областях.

**Khasanov Shavkatbek**

Head of Department of the Lawyers' Training Center under the  
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

## PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF FORENSIC-EXPERT ACTIVITIES

### ANNOTATION

The article examines the psychological aspects of forensic examination, including the factors and the subject of studying the psychological aspects of forensic examination, the study of the psychological aspects of this activity - spectral and subjective areas, the main features of the cognitive and communicative activities of the forensic examination, the issues of explaining the psychology of the cognitive activity of a forensic expert through several structures (hierarchical, phased and heuristic), the positive impact of knowledge and skills in solving heuristic problems in the cognitive and communicative spheres on the future professional development of a forensic expert.

**Keywords:** psychological aspects of forensic examination, directions of studying psychological aspects of forensic examination - spectral and subjective areas, cognitive and communicative activity, hierarchical, phased and heuristic position, heuristic tasks in cognitive and communicative areas.

Хуқуқни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш жиноий процессида табиий, техник ва гуманитар фанларнинг замонавий ютуқларини тўлиқ амалга оширмасдан туриб мумкин эмас. Илмий маълумотларни жорий қилишнинг муҳим воситаларидан бири бу суд экспертизаси ҳисобланади. Кўпгина жиноятларни тергов қилишда суд экспертизасининг имкониятларидан кенг фойдаланилади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд экспертлик фаолияти табора ривожланиб бормоқда.

Бироқ, суд экспертлик фаолиятида мавжуд бир қатор муаммолар, хусусан суд эксперти фаолиятининг психологик жиҳатларининг илмий ўрганилганлик даражаси етарлича юқори эмас. Бу бўйича А.А. Усмонова ва А.Н. Норбоевлар “янги давр ҳар бир инсондан ўз ички имкониятларини адекват билиш, шу билимлар заҳираси билан яқинлари ва ҳамкасблари психик дунёсини билишни талаб қилмоқда. Янги давр ва унинг ўзгаришларга бой ҳаёти энди энди ҳар бир кишининг психик ҳодисалар қонуниятларини билиш ва шунга мос тарзда оқилона ва омилкорона иш юритиш заруратини талаб қилмоқда” деб ёзганлар [1, Б.1].

Суд экспертнинг билиш жараёнлари психологик механизмларининг ўзига хос хусусияти криминалистика ва суд экспертизаси назариясида ҳали етарлича ўрганилмаган ва моҳияти тўлиқ тушунилмаган. Е.Е. Кискинанинг таъкидлашича “бу кўпинча психологиянинг умумий тамойилларини эксперт фаолиятини ўрганишга механик равишда татбиқ қилишга сабаб бўлмоқда” [2, Б.3].

Суд экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатларини соддалашган тушуниш бир қатор салбий оқибатларга олиб келди, жумладан: экспертиза ўтказиш жараёнида суд экспертнинг иш фаолияти мазмунига ягона ёндашув мавжуд эмас; суд эксперти иш фаолиятининг асосий хусусиятлари тузилиш жиҳатдан фарқланмаган (ажратилмаган); экспертнинг билиш фаолияти хусусиятлари тўлиқ аниқланмаган; суд эксперти иш фаолиятининг коммуникатив функцияси ўрганилмаган; жиноят процессида суд экспертнинг сўроқ қилишга тайёрлаш ва бу тергов ҳаракатини бевосита ўтказиш методикаси ишлаб чиқилмаган; касбий фаолиятнинг долзарб муаммолари бўйича (профессиографик) тадқиқотлар етарли даражада ўтказилмаган. Санаб ўтилган масалаларнинг барчаси долзарб бўлиб, уларни ҳал қилиш суд экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатларини ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади.

Б.Н. Сирлиев, А.А. Бекназаров, Д.Н. Арзикуловлар “объектив дунё тўғрисидаги маълумотлар, фан асослари бўйича ахборотлар, ижтимоий ва индивидуал тажрибалар, шахслараро муносабат

ва муомала ўрнатиш, муайян фаолиятни ташкил қилиш ва уни бошқариш ўзини ўзи англашга тааллуқли таркибий қисмлар билан қуролланишга, ижод ва янгилик яратишга қратилган мураккаб, иерархик ҳамда интеграл хусусиятли, фақат инсонгагина хос бўлган, ақлий ва жисмоний негизга қурилувчи интилиш ва фаолликнинг мажмуаси – билиш деб аталади” деб таъкидлайдилар [3, Б.48]. Мазкур қоидага амал қилган ҳолда суд эксперти иш фаолиятининг психологик жиҳатларини ўрганиш жараёнида бу фаолиятнинг қуйидаги учта омиллари мавжудлигини таъкидлаш мумкин:

1) криминалистика ва суд экспертизасида психологик маълумотлардан фойдаланиш даражаси;  
2) мазкур фаолиятни ўрганишда психологиянинг замонавий қонуниятларидан фойдаланиш усуллари;

3) психологик натижаларни суд экспертлик амалиётига жорий қилиш хусусиятлари.

Суд-экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатларини ўрганиш кўп қиррали эканлиги, уни камида иккита йўналишда — спектрал ва субъектга оид йўналишда ўрганишни талаб қилади. Бу борада А.М.Губина “Суд экспертнинг фаолияти — кўп қиррали тушунчадир, уни камида иккита йўналишда кўриб чиқиш лозим: спектрал ва субъектга оид йўналишлар. Биринчи йўналиш суд экспертнинг суд экспертизаларини ўтказиш, ташкилий-бошқарув ва илмий-методик соҳалар билан боғлиқ бўлган аниқ (предметли) фаолиятини акс эттиради. Субъектга оид йўналиш — шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, суд экспертнинг билиш (когнитив) фаолияти ва коммуникатив жараёнлар, мотивацион-қадриятга оид хусусиятлари ҳамда ҳиссий-иродавий соҳасини таҳлиллари” деб таъкидлайди [4, Б.63].

Бизнинг фикримизча, бу фаолиятнинг учинчи йўналиш ҳам мавжуд ҳамда бу йўналиш кўрилатган муаммони ўрганиш натижаларини суд экспертларининг амалий фаолиятида қўллаш, шунингдек, суд эксперти иш фаолиятининг психологик жиҳатларини келгуси илмий тадқиқотлари билан боғлиқ. Бу каби психологик тадқиқотларнинг натижалари замонавий методик тавиялар ва ташкилий-бошқарув ҳужжатларининг мустаҳкам асосини ташкил этади. Суд-экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатларини ўрганиш предметининг ўзига хослиги унинг фалсафа, социология, психология, криминалистика, суд экспертиза назарияси каби кўплаб бошқа илмий билимлар билан уйғунлашишига кўра аниқланади. Агар криминалистика фанида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумот ва ахборотларнинг вужудга келиши, тўпланиши, баҳоланиши ва ишлатилиши қонуниятлари, психологияда эса шахснинг руҳий соҳаси ўрганилса, суд эксперти иш фаолиятини ўрганиш бўйича тадқиқот предмети бўлиб — суд экспертнинг экспертизаларни ўтказишдаги психик (руҳий) соҳасига оид қонуниятлар ҳисобланади.

Суд экспертнинг иш фаолиятини ўрганишнинг асосий йўналишлари сифатида методик фаолият, ташкилий-бошқарув ва субъектга оид фаолиятни ажратиш мумкин. Ҳозиргача методик фаолият ва ташкилий-бошқарув фаолият каби йўналишлар ўрганилган. Шу билан бирга, суд-экспертлик фаолиятида “инсон омили” муҳим аҳамиятга эга ҳамда уни ўрганиш турли фанлар соҳаларига оид билимларни умумлаштиришни талаб қилади.

Суд-экспертлик фаолиятининг предмети фаолиятни бошқарув жиҳатларини, экспертлик амалиётини умумлаштиришдаги статистик материалларни таҳлил қилишни, муайян экспертиза тури бўйича илмий-тадқиқот ўтказишни қамраб олади.

Суд экспертлик фаолиятининг субъекти Е.Р. Россинская, Е.И. Галяшиналарнинг фикрича “юридик шахслар — давлат суд экспертиза муассасалари ва нодавлат суд экспертиза ташкилотлари, суд экспертизаларини ўтказиш имкониятига эга бўлган бошқа ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар (экспертиза муассасасининг раҳбари ва бошқ. бўлиши мумкин” [5, Б.98].

Суд экспертлик фаолиятини ўрганишга криминалистик ва психологик ёндашув экспертнинг иш фаолиятида иккита асосий функцияни ажратиб олишга имкон беради: *билиш (когнитив) ва коммуникатив фаолиятлар*. Улар ўзаро предмети, йўналиши, ҳал қиладиган вазифалари ҳамда қўлланиладиган методлари билан фарқ қилади. Шу билан бирга, улар суд эксперти фаолиятининг яхлитлигини келтириб чиқарадиган умумий мақсад билан бирлашади.

*Экспертизаларни ўтказишнинг билиш (когнитив) босқичи*. Билим (билиш жараёни) — бу муаммоли вазиятдатурган ва ноаниқликдан (билмасликдан) аниқликка (билишга) ўтиш жараёнининг ривожланишини таъминлаётган суд экспертнинг ақлий (фикрлаш) фаолияти тизимидан иборат. Ўтиш қуйидагиларни ўз ичига олади: билимларни тўплаш, ўрганилатган ҳолат (ҳодиса, жараён) ҳақида фикр юритиш ва экспертнинг ички ишончини шакллантириш мақсадида олинган маълумотларни ҳаёлий қайта ишлаш жараёни.

Кўрилатган вазиятнинг муаммолилиқ даражасига кўра стандарт ва эвристик вазифалар

фарқланади. Бизнинг фикримизча, вазифанинг эвристик табиати қуйидаги икки омилнинг мавжудлиги билан тавсифланади:

1) объектив (қарама-қаршиликлар мавжудлиги);

2) субъектив, у қуйидагиларни ўзига олади: *мнемоник жиҳат* (суд экспертнинг хотирасида кўрилатган муаммога ўхшаш вазифаларни ҳал қилиш учун тегишли тажрибанинг (чизма, усул) йўқлиги), *ижодий (креатив) жиҳат* (вазифаларни ҳал қилиш йўлларига ўхшаш йўл, усулларни кўра билиш ва олдиндан маълум бўлган ҳолатлар билан янги алоқаларни ўрнатиш қобилияти) ва *вазиятнинг муаммолилиги*.

Стандарт вазифалар илгари ишлаб чиқилган (шаблон) усуллардан (чизма, метод, йўл, тажриба) фойдаланиб ҳал қилинади. Агар суд экспертида (экспертнинг ихтиёрида) тегишли тажриба (усул, йўл, метод, чизма) мавжуд бўлмаса ёки олдиндан маълум бўлган ҳолатларни билан янги алоқаларни ўрнатиш талаб қилинса, бундай вазифалар эвристик вазифа деб ҳисобланаши мумкин.

Ҳозирги вақтда суд экспертнинг билиш фаолияти психологиясининг энг мураккаб масалалари бир неча тузилишлар (позиция) орқали тушунтирилади:

босқичли, даражали ва эвристик тузилишлар (позиция).

Энг умумий ёндашув суд экспертнинг билиш (когнитив) фаолиятини *босқичли тузилиш* нуктаи назаридан тушунтиради. Бунда суд экспертнинг билиш (когнитив) жараёни аклий (фикрлашга оид, интеллектуал) вазифаларни вазифаларни босқичма-босқич (босқичли тузилишда) ҳал этиш кўринишида намоён бўлади. *Биринчи босқич*— эксперт олдида ҳал қилиш учун қўйилган савол ёки вазифаларни англашни (дастлабки идрок) ўз ичига олади, *иккинчи босқич* — топшириқ шартларини таҳлил қилиш (тусумол ёки тахминларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш, вазифаларни бажариш режаси), *учинчи босқич* — тадқиқот (фикрлаш жараёни), *тўртинчи босқич*— тегишли қарор қабул қилиш (натижаларнинг тўғрилигига ишончни шакллантириш, тадқиқот натижаларини баҳолаш). Суд эксперти билиш (когнитив) фаолиятининг бундай тузилиши суд экспертнинг фикрлаш жараёнлари механизмнинг расмий томонини ваборишини акс эттиради.

Экспертиза тадқиқотларининг ўзига хослигини худди юқоридаги каби, *даражали тузилиш* ни иноабтга олиб талқин қилиш мумкин. Унинг моҳияти вазифа ва тадбирлар йиғиндисининг босқичларини тегишли даражада бажаришдан иборат. Вазифаларнинг бажаришдаги даражалар сони ҳал қилинаётган вазифаларнинг ўзига хос хусусияти ва унинг мураккаблик даражаси билан белгиланади, аммо, даражалар қоида тарикасида, иккитадан ошмайди. Даражалар ўзаро вазифани ечишга яқинлиги билан ўзаро фарқ қилади (масалан, биринчи даражали вазифа, иккинчи даражали вазифа).

*Биринчи даражали вазифа* — мақсадга йўналтириш, тайёргарлик ҳаракатлари (ишлари) билан тавсифланади.

*Иккинчи даражали вазифа* — асосида якуний хулосалар шакллантириладиган барча турдаги маълумот ҳамда ахборотларни аниқлаш ва батафсил ўрганиш билан боғлиқ. Бу борада Т.В. Аверьянова “Даражали тузилиш (принцип) фикрлаш жараёнининг ички, мазмунга оид таркибини тўлиқ акс эттирмайди ва экспертиза ўтказишдаги билиш (когнитив) фаолиятни тушунтиришга босқичли ёндашувнинг ўзига хос (мураккаб) вариантдир” деб таъкидлаган [6, С.121].

*Суд экспертизалари ўтказишнинг коммуникатив босқичи*. Суд экспертнинг коммуникатив фаолиятининг хусусиятлари ҳақидаги илмий қарашлар кўпинча суд экспертнинг маслаҳати каби терговчи билан ўзаро алоқани ташкил қилишга йўналтирилган. Бироқ, экспертиза хулосаси матни (“коммуникатор”) орқали процесс иштирокчиларига (адресат, қабул қилувчига) таъсир қилиш методлари, восилалари, усуллари ва механизмлари криминалистика ҳамда суд экспертизаси назариясида етарлича ўрганилмаган.

Замонавий илмий фикр-мулоҳазалар ва қарашларга кўра, экспертиза хулосаси одил судлов ёки процесс иштирокчиларининг тегишли маълумотларни баҳолаш ва уларнинг ички ишончлини шакллантирилишига таъсир кўрсатади. Бундай ёндашув амалдаги юз берадиган коммуникатив жараёнларни тўлиқ акс эттирмайди: адресатнинг (қабул қилувчи) фаол ҳамда коммуникаторнинг (экспертиза хулосаси) пассив бир томонлама позицияларини тавсифлайди.

Тегишли маълумот ва ахборотларнинг ҳажми ҳамда аҳамиятига кўра эксперт хулосаси учун қуйидагилар муҳимдир:

а) кўрилатган иш материалларида керакли тадқиқот ва ўрганишлар натижасида пайдо бўлади (критилади); б) қўлламасдан тадқиқотларни ўтказишнинг имкон бўлмайдиган махсус билимга эга бўлган шахсдан келиб чиқади; в) махсус белгиланган процессуал тартибда берилади.



Экспертиза хулосаси қуйидаги камида иккита муҳим функцияни бажаради:

- 1) тадқиқотлар жараёни ва натижаларини қайд этиш;
- 2) *коммуникация* (натижалар ҳақида хабардор қилиш) ва *интеракция* (процесс иштирокчиларини якуний хулосаларнинг тўғрилигига ишонтириш) — ўзаро таъсир.

Судда исботлов аҳамиятига эга бўлган экспертиза хулосасида мавжуд бўлган маълумот ва ахборотларинг алоҳида мақоми коммуникатив функция мавжудлигини билдиради. Экспертиза хулосаси — бу бирорта ҳолатнинг (ҳодиса, жараён, ҳуқуқбузарлик, жиноят) шарт-шароитлари ҳақида ахборот манбаи бўлиб, одил судлов ёки процесси иштирокчиларини ишонтириш воситаси ҳисобланади. Экспертиза хулосаси қуйидаги ҳолларда далил ҳисобланади: кўрилатган ишнинг ҳал қилиниши учун муҳим аҳамитга эга бўлган ҳолатларини аниқлаш имкон берганда; қонунда белгиланган тартибда олинганда; асослантирилган ва ишонарли бўлганда; тушунарли бўлганда.

Экспертиза хулосаси — бу коммуникациянинг (ўзаро алоқа) матнли кўриниши бўлиб, унда оғзаки нутқда юз берганидек алоҳида гап эмас, балки махсус касбий мулоқотнинг янада мураккаб шаклини кўрсатадиган бутун матн алоқанинг ўлчов бирлиги бўлади. Экспертиза хулосасининг матни адресатни ишонтириш мақсадига бўйсунди: якуний хулосаларда (жавоб) суд эксперти томонидан шакллантирилган маълумотлар ҳолис, тўлиқ ва ўтказилган тадқиқотлардан мантиқан келиб чиққан бўлади.

Шундай қилиб, билиш (когнитив) ва коммуникатив соҳалардаги эвристик вазифаларни ҳал қилиш бўйича билим ва кўникмалар ихтисослик фанлари бўйича машғулотларда олинган махсус билимлар билан биргаликда, суд экспертларини тайёрлаш ёки қайта тайёрлашга ихтисослашган муассасаларнинг битирувчиларига суд экспертлик лавозимига киришиш даврига тез мослашишни, суд экспертиза муассасаси ёки ташкилотда мослашув даврини сезиларли даражада қисқартиради, экспертиза вазифаларини муваффақиятли бажаришга ва суд экспертнинг келгусида касбий юксалишига имкон яратади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. А.А. Усмонова, А.Н. Норбоев. “Юридик психология”. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 70 б. (A.A. Usmonova, A.N. Norboev. «Legal Psychology». Study guide. –Т.: TSU Publishing House, 2006. – 70 p.)
2. Е.Е.Кискина. Криминалистические и психологические аспекты деятельности судебного эксперта // Автореферат дисс. канд. юрид.наук. Специальность: 12.00.09-уголовный процесс, криминалистика, судебная экспертиза; оперативно-розыскная деятельность. – Краснодар, 2009. – 32 с. (E. Kiskina. Forensic and psychological aspects of a forensic expert // Abstract of a thesis. Cand. juridical sciences Specialty: 12.00.09 - criminal procedure, forensic science, forensic examination; operational search activity. – Krasnodar, 2009. – 32 p.)
3. Б.Н. Сирлиев, А.А. Бекназаров, Д.Н.Арзикулов. Психология: Маърузалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 150 б. (N. Sirliev, A.A. Beknazarov, D.N. Arzikulov. Psychology: Collection of lectures. – Т.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2005. – 150 p.)
4. А.М. Губина. Личностные и творческие качества судебного эксперта // Вестник Ессентукского института управления, бизнеса и права. – 2011. – № 4. (A.M. Gubina. Personal and creative qualities of a forensic expert // Bulletin of the Essentuki Institute of Management, Business and Law. — 2011. – No. 4)
5. Е.Р. Россинская, Е.И.Галяшина. Настольная книга судьи: судебная экспертиза. – М., 2010. – 464 с. (E.R. Rossinskaya, E.I. Galyashina. Judge’s Handbook: Forensic Science. – М., 2010. – 464 p.)
6. Т.В. Аверьянова. Судебная экспертиза. Курс общей теории. – М., 2006. – 480 б. (T.V. Averyanova. Forensic examination. General theory course. – М., 2006. – 480 p.)